O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2024 - yil 12 - fevral 88-11-0-Q/24 Farg‘ona viloyati hokimligi

Bozorlar va savdo komplekslarida bir martalik yig‘imlar, ijara to‘lovi va ko‘rsatiladigan xizmatlar qiymati miqdorlarini tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2010-yil 26-apreldagi “Dehqon bozorlari va savdo komplekslari faoliyatini tashkil qilishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-1326-sonli va Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 29-iyundagi “Mahalliy byudjetlarning daromadlar bazasini kengaytirish zaxiralarini aniqlash ishlarini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 445-sonli qarorlariga muvofiq hamda viloyat Moliya bosh boshqarmasi va Davlat soliq boshqarmasining bozorlar va savdo komplekslarining ma’muriyati tomonidan undirib olinadigan bir martalik yig‘imlar, ijara to‘lovi va ko‘rsatiladigan xizmatlar qiymatining miqdorlarini belgilash bo‘yicha viloyat hokimligiga kiritgan qo‘shma taklifini inobatga olib,

QAROR QILAMAN:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2010-yil 26-apreldagi “Dehqon bozorlari va savdo komplekslari faoliyatini tashkil qilishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-1326-sonli qarorining 4-bandiga muvofiq viloyat hokimligiga hududiy moliya va soliq organlari bilan kelishilgan holda bozorlar va savdo komplekslarining ma’muriyati tomonidan undirib olinadigan bir martalik yig‘imlar, ijara to‘lovi va ko‘rsatiladigan xizmatlar qiymati miqdorlarini har yili tasdiqlash vazifasi yuklatilganligi inobatga olinsin.

2. Viloyat hududidagi bozorlar va savdo komplekslarining ma’muriyati tomonidan undirib olinadigan bir martalik yig‘imlar, ijara to‘lovi va ko‘rsatiladigan xizmatlar qiymatining miqdorlarini belgilash bo‘yicha Iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmasining 2024-yil 3-yanvardagi 03/01-03-01-18/8 sonli hamda viloyat Davlat soliq boshqarmasining 2023-yil 25-dekabrdagi 20/5-93513-sonli qo‘shma taklifi ma'qullansin.

3. Mazkur qaror bilan:

Farg‘ona viloyati hududidagi bozorlar va savdo komplekslari ma’muriyati tomonidan undirib olinadigan bir martalik yig‘imlar qiymatining miqdorlari 1-ilovaga muvofiq,

Farg‘ona viloyati hududidagi bozorlar va savdo komplekslari ma’muriyati tomonidan undirib olinadigan ijara to‘lovlari va ko‘rsatiladigan xizmatlar qiymatining miqdorlari 2-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

4. Farg‘ona viloyati Dehqon bozorlari va savdo komplekslari uyushmasi (A.Madaminov) viloyat

hududidagi bozorlar va savdo komplekslarining rahbarlari bilan birgalikda bir hafta muddatda undirib olinadigan bir martalik yig‘imlar, ijara to‘lovlari va ko‘rsatiladigan xizmatlar qiymatining miqdorlarini bozorlar va savdo komplekslariga ko‘rinadigan barcha hududlarga joylashtirilishini ta’minlasin. Viloyat davlat soliq boshqarmasi (M.Mamatxonov), Iqtisodiyot va moliya bosh boshqarmasi (Z.Ro‘zaliyev) shahar va tumanlar hokimliklari bilan birgalikda:

bozorlar va savdo komplekslarida bir martalik yig‘imlar, ijara to‘lovlari va ko‘rsatilgan xizmatlar uchun to‘lovlarning undirilishi ustidan belgilangan tartibda nazorat o‘rnatsin;

bozorlar va savdo komplekslari hududlarida davlat ro‘yxatidan o‘tmasdan faoliyat olib borayotgan jismoniy shahslarni belgilangan tartibda aniqlasinlar hamda ularni soliq to‘lovchi sifatida hisobga qo‘ysin;

bozorlar va savdo komplekslarida undiriladigan bir martalik yig‘imlar, ijara hamda ko‘rsatilgan xizmatlar uchun to‘lovlarning to‘liq undirilishini hamda tegishli tartibda bank hisob raqamlariga kirim qilinishini ta’minlasin.

5. Viloyat hokimligi “Elektron hokimiyatni rivojlantirish markazi” (S.Maxmudov) mazkur qarorga asosan viloyat hududidagi bozorlar va savdo komplekslari ma’muriyati tomonidan undirib olinadigan bir martalik yig‘imlar, ijara to‘lovlari va ko‘rsatiladigan xizmatlar qiymatining miqdorlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni viloyat hokimligining rasmiy veb- saytiga joylashtirilishini ta’minlasin.

6. **“Yangi Farg‘ona”** va “**Novaya Fergana**” gazetalari tahririyati (B.Obidjonov)ga mazkur qarorni matbuotda rasman e’lon kilish, mazmun-mohiyatini keng jamoatchilikka yetkazish tavsiya etilsin.

7. Belgilansinki, mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

8. Mazkur qaror qabul qilinganligi munosabati bilan Farg‘ona viloyati hokimining 2021-yil 01-apreldagi 121-sonli hamda 2021-yil 14-apreldagi 141-sonli “Bozorlar va savdo komplekslarida bir martalik yig‘imlar, ijara to‘lovi va ko‘rsatiladigan xizmatlar qiymati miqdorlarini tasdiqlash haqida”gi qarorlari o‘z kuchini yo‘qotgan deb hisoblansin.

9. Ushbu qarorning bajarilishini nazorat qilish viloyat hokimining birinchi o‘rinbosari X.Sirojitdinov zimmasiga yuklansin.

Viloyat hokimi **X. Bozarov**

Farg‘ona viloyat hokimining
2024-yil 12-fevraldagi
88-11-0-Q/24-son qaroriga
1-ilova

Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар қийматининг минимал миқдорлари ТАКЛИФ

(сўм ҳисобида)

№	Бир марталик йиғим олинадиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Амалдаги тўлов миқдори		Таклиф Тўлов миқдори		Фарқи +-	
			Шаҳарларда	Туманларда	Шаҳарларда	Туманларда	Шаҳарларда	Туманларда
1. Бир марталик йиғим.								
1	Юк автомашинасида маҳсулот сотганлиги учун	Ҳар бир машинага	15000	12000	30000	25000	15000	13000
2	Енгил автомашинасида маҳсулот сотганлиги учун	Ҳар бир машинага	11000	9000	20000	20000	9000	11000
3	Аравачаларда сотганлиги учун	Ҳар бир аравачадан	3 000	3 000	5000	5000	2000	2000
4	Маҳсулотларни ерда сотиш	1 кв метргача	6 000	3 000	10000	7000	4000	4000
5	Супурги, исириқ сотувчилардан	1м2	6 000	5 000	10000	9000	4000	4000
6	Гуруч, гречка сотувчилардан	1м2	7 000	7 000	12000	11000	5000	4000
7	Дуккакли маҳсулотлар (мош, ловия, жувари, нўхот кабилар)	1м2	7 000	6 000	10000	10000	3000	4000
8	Дон маҳсулоти макка, буғдой, арпа сотувчилардан	1м2	6 000	5 000	10000	10000	4000	5000
9	Хўл мевалар узум, олма, анор, нок, хурмо ва бошқа турдаги мева сотувчилардан:		11 000	10 000	15000	14000	4000	4000
10	Бошқа мева сотувчилардан	1м2	6 000	5 000	14000	13000	8000	8000
11	Цитрус ва тропик мева (банан, апелсин, мандарин, лимон, ананас, киви каби) сотувчилардан	1м2	15 000	12 000	23000	20000	8000	8000
12	Малина, қулупнай, гилос сотувчилар	1м2	7 000	6 000	13000	12000	6000	6000
13	Бодринг, помидорни маҳсулот сотувчилардан	1м2	10 000	10 000	14000	13000	4000	3000
14	Сабзавот, (сабзи, пиёз, турп, шолғом, Картошка, карам кабилар) сотувчилардан	1м2	5 000	4 000	8000	8000	3000	4000
15	Гул сотувчилардан	1 кв метр	9 000	8 000	5000	5000	-4000	-3000
16	Қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари сотувчилардан	1 м2 гача	10 000	8 000	17000	15000	7000	7000
17	Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, кондитер маҳсулотлари,	1м2	8 000	6 000	14000	12000	6000	6000
18	Салқин ичмликлар	1м2			25000	20000		
19	Тухум сотувчилардан	1м2	5 000	5 000	10000	10000	5000	5000
20	Сут маҳсулотлари, қаймоқ, сметана уй пишлоғи, сузма кабилар сотувчилардан	1м2	7 000	6 000	12000	11000	5000	5000
21	Зировор ва дориворлар (мурч, зира, уруғлар) сотувчилардан	1м2	7 000	6 000	10000	10000	3000	4000
22	Асал сотувчилардан	1м2	10 000	7 000	10000	10000	0	3000
23	Қуруқ мева сотувчилардан;	1м2	11 000	9 000	20000	20000	9000	11000
24	Тузлама ва салат сотувчилар учун	1м2	8 000	7 000	15000	15000	7000	8000
25	Мавсумий нишолда сотувчилардан	бир савдо ўрнига	7 000	7 000	15000	15000	8000	8000
26	Дудланган колбаса ва чўчқа ёғи (бекон. шпик) сотувчилардан	1,5м2	14 000	11 000	22000	20000	8000	9000
27	Тирик балиқ ва балиқ маҳсулоти сотувчилардан	1м2	14 000	10 000	22000	20000	8000	10000
28	Аквариум балиқлари сотувчилардан	битта ўринга	6 000	4 000	10000	8000	4000	4000
29	Кўкат сотувчилардан	1м2	5 000	4 000	8000	7000	3000	3000
30	Кўчат (бодринг, помидор, болгар қалампири, райхон, карам, гул) сотувчилардан	1м2	5 000	5 000	10000	10000	5000	5000
31	Мевали дарахт ва терак кўчатлари сотувчилардан	1м2	7 000	5 000	10000	10000	3000	5000
32	Оби нон сотувчилардан	1м2	5 000	3 000	8000	8000	3000	5000
33	Ёғли патир нон сотувчилардан	1м2	7 000	6 000	10000	10000	3000	4000
34	Уй шароитида тайёрланган (торт, булочка, пирог, ва бошқалар	1м2	6 000	5 000	10000	10000	4000	5000
35	Гўшт сотувчилардан мулкчилик шаклидан қатъий назар	1 савдо ўрнига	18 000	17 000	25000	25000	7000	8000
36	Пакет сотувчилардан	1м2	7 000	6 000	12000	10000	5000	4000
37	От, той, туя	Ҳар бир бошига	17 000	16 000	25000	20000	8000	4000
	бўталоқ	Ҳар бир бошига	10 000	10 000	15000	15000	5000	5000
38	йирик шохли қорамол	Ҳар бир бошига	17000	16000	25000	25000	8000	9000
	бузоқ	Ҳар бир бошига	11000	11000	15000	15000	4000	4000
39	Сигир бузоқчаси билан				40000	40000		
40	Майда шохли хайвонлар (қўй, эчки)	Ҳар бир бошига	8000	8000	12000	12000	4000	4000
	уларнинг болалари (қўзичоқ ва улоқча)	Ҳар бир бошига	6000	6000	8000	8000	2000	2000
41	Товуқ,ғоз, ўрдак ва курка сотувчилардан	Ҳар бир бошига	2000	2000	5000	5000	3000	3000
42	Жўжа, кабутар сотувчилардан	Ҳар ўн дона бошга	1000	1000	3000	3000	2000	2000
43	Қуён сотувчилардан	Ҳар бир бошига	2000	2000	5000	5000	3000	3000
44	Декоратив қуш сотувчилардан	1м2	6000	3000	6000	5000	0	2000
45	Декоратив қуш ва балиқларнинг емиш овқатлари сотувчилардан	1м2	6000	3000	10000	8000	4000	5000
46	Ит сотувчилардан	биттаси	6000	4000	6000	5000	0	1000
	Кучук сотувчилардан	биттаси	6000	4000	6000	5000	0	1000
47	Қуруқ хашаклар (похол, сомонлар, ер-ёнғоқ пояси) сотувчилардан	битта прицеп учун	28000	20000	50000	40000	22000	20000
	Қуруқ хашаклар (похол, сомонлар, ер-ёнғоқ пояси) сотувчилардан	битта арава учун	11000	9000	20000	20000	9000	11000
48	Тижорат йўли билан келтирилган ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун	1 м2	7000	6000	10000	10000	3000	4000
49	Тайёр кийимлар,газламалар,ўрин тўшак жиҳозлари	1м2	6000	5000	10000	10000	4000	5000
50	Атторлик (галантерия) маҳсулоти сотувчилардан	1м2	6000	5000	10000	10000	4000	5000
51	Палас, гилам, шолча сотувчилардан	6м2	10000	9000	12000	11000	2000	2000
52	Эски кийим ва уй-рўзғор сотувчилардан	2м2	5000	3000	7000	6000	2000	3000
53	Эски уй-рўзғор техника буюмлари сотувчилардан (ҳар 6 кв.метр)	битта савдо урни	6000	6000	10000	10000	4000	4000
54	Мебель жиҳозлари (ҳар 6 кв.метр)	бир савдо ўрин	11000	7000	15000	12000	4000	5000

55	Ҳунармандчилик ва ҳалқ истеъмол моллари сотувчилардан, жумладдан майда хунармандчилик маҳсулотлари (ўроқ, теша, болта, болта, кетмон, пичоқ ва бошқалар) учун.	1 кв.метргача	6000	6000	10000	10000	4000	4000
56	Йиғчилик маҳсулоотлари (жува,чекич,элак ва бошқалар) учун	1м2	6000	4000	10000	10000	4000	6000
57	Миллий кийим тикиб сотувчилардан	1м2	3000	3000	5000	5000	2000	2000
58	Дўппи сотувчилардан	1м2	4000	3000	6000	5000	2000	2000
59	Косиблик ва кунчилик маҳсулоти сотувчилардан	1 ўринга	5000	4000	7000	7000	2000	3000
60	Қўлда сотиб юрганлардан	1 ўринга	3000	3000	5000	5000	2000	2000
61	Арқон сотувчилардан	1 ўринга	4000	3000	10000	10000	6000	7000
62	Эшик, ром сотувчилардан	10м2	7000	7000	10000	10000	3000	3000
63	Эски эшик, ром сотувчилардан	10м2	5000	5000	6000	6000	1000	1000
64	Ёғоч, тахта, рейка сотувчилардан	20м2	10000	10000	12000	12000	2000	2000
65	Ёғоч, тахта, рейка сотувчилардан	30м2	15000	13000	17000	17000	2000	4000
66	Махаллий терак сотувчилардан	30м2	10000	10000	11000	11000	1000	1000
67	Дарвоза сотувчилардан	10м2	17000	17000	20000	20000	3000	3000
68	Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	5м2	7000	7000	10000	10000	3000	3000
	Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	15м2	9000	9000	15000	15000	6000	6000
	Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	30м2	17000	17000	23000	23000	6000	6000
69	Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	5м2	5000	4000	8000	8000	3000	4000
	Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	15м2	7000	7000	10000	10000	3000	3000
	Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	30м2	12000	12000	14000	14000	2000	2000
70	Янги бўёқ, мих ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан	5 кв.м.гача	5000	5000	7000	7000	2000	2000
	Янги бўёқ, мих ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан	15 кв.м.гача	7000	6000	10000	10000	3000	4000
	Янги бўёқ, мих ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан	30 кв.м.гача	14000	14000	20000	20000	6000	6000
71	Фанера ДСП, ДВП сотувчилардан	6м2	11000	11000	15000	15000	4000	4000
72	Рухланган тунука, шифер сотувчилардан	4м2	9000	9000	13000	13000	4000	4000
73	Охак, цемент, бўр, крошка, битум, рубероид сотувчилардан	4м2	5000	5000	10000	10000	5000	5000
74	Пишган янги ғишт сотувчилардан	6м2	12000	12000	15000	15000	3000	3000
75	Пишган эски ғишт сотувчилардан	6м2	10000	10000	13000	13000	3000	3000
76	Хом ғишт сотувчилардан	бир юк машинасига	11000	9000	15000	15000	4000	6000
77	Шағал, кум, тош сотувчилардан	бир юк машинасига	12000	10000	15000	15000	3000	5000
78	GM-Ўзбекистон (УзДЭУавто) ва хорижда ишлаб чикарилган енгил автомашиналар сотганлар учун	бир донаси	28000	28000	30000	30000	2000	2000
79	МДҲ (СНГ) давлатларида ишлаб чикарилган автомашиналар сотганлар учун	бир донаси	24000	24000	25000	25000	1000	1000
80	Юк кутарувчи автомашиналарини сотганлар учун	бир донаси	29000	29000	32000	32000	3000	3000
81	Бошқа транспорт (мотоцикл, аравали мотоцикл, мотороллер) воситалар сотганлар учун	бир донаси	7000	7000	10000	10000	3000	3000
82	Велосипед, моторли велосипед, мопедлар сотганлар учун	бир донаси	6000	5000	6000	6000	0	1000
83	Эхтиёт қисмлар сотганлар учун						0	0
	янги эҳтиёт қисмлар сотганлар учун	2м2	7000	7000	10000	10000	3000	3000
84	Янги автошина сотганлар учун	2м2	12000	10000	13000	11000	1000	1000
85	Эски эхтиёт қисмлари сотувчилар учун	2м2	6000	6000	7000	7000	1000	1000
86	Миллий таом сотувчилардан							
	Шашлик, ош, суюқ таом тайёрлаб сотувчилардан	1-та қўра,ёки 1-та қозон учун	9000	8000	15000	15000	6000	7000
	Нўхот пишириб сотувчилардан	1 ўринга / бир кунга			20000	15000		
87	Чархчилик хизмати, пойафзал таъмирлаш хизмати курсатганлар учун	Битта ўрнига	4000	3000	15000	15000	10000	12000
88	Маҳсулотларни бозорлардан сотиб олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома ёзиб бериш учун;							
	а) 1.0 млн сўмликкача бўлса		11000	11000	50000	50000	39000	39000
	б) 1.0 минг сўмдан 5.0 млн сўмгача		17000	17000	100000	100000	83000	83000
	в) 5.0 млн сумдан ортиги учун		27000	27000	200000	200000	173000	173000

ЭСЛАТМА:

1. Савдо жойи учун ижара хақи ҳар ойнинг 20 санасига қадар тўланади.

2. Бозорда 5 кг гача бўлган тез бузиладиган мева ва сабзавот маҳсулотларидан йиғим олинмайди.

3. Ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчиси Улуғ Ватан уруши ва унга тенглаштирилган қатнашчилари ва ногиронларидан, шахсий нафақа олувчилардан тасдиқловчи хужжати мавжуд бўлганда бир марталик патта йиғими олинмайди.

4. Ўзбекистон қаҳрамонлари, қаҳрамон оналар, иккинчи жахон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар шахсий автомашиналарини сотганларида тасдиқловчи хужжатини тақдим қилганда бир марталик патта йиғими олинмайди.

5. Республика ҳудудида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва саноат моллари билан бир қаторда импорт товарлари сотилса, жой хақи импорт товарларга белгиланган миқдорларда ундирилади.

6. Юқорида номи чиқмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун бир марталик йиғим олишда хар бир қопи ёки идиши учун шу маҳсулот бир кг.нинг бозордаги ўша кунги нархи миқдорида хақ олинади.

7. Транспорт воситалари фақат белгиланган жойда туради.

Farg‘ona viloyat hokimining
2024-yil 12-fevraldagi
88-11-0-Q/24-son qaroriga
2-ilova

Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари тўғрисида ТАКЛИФ

(сўм ҳисобида)

№	Пуллик хизмат кўрсатиш турлари	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори		Таклиф Тўлов миқдори		Фарқи +-	
			Шаҳарларда	Туманларда	Шаҳарларда	Туманларда	Шаҳарларда	Туманларда
2. Пуллик хизмат.								
1	Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ойлик ижара тўлови							
	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м/ойига	25000	15000	35000	20000	10000	5000
	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м/ойига	21000	13000	35000	20000	14000	7000
	Умумий овқатланиш	1 кв.м/ойига	24000	14000	40000	25000	16000	11000
	Маиший хизмат кўрсатиш	1 кв.м/ойига	11000	8000	35000	20000	24000	12000
	Бошқа турлар (Омбор, офис, дорихона, пайпет ва х.к)	1 кв.м/ойига	11000	9000	35000	20000	24000	11000
2	Тарозидан фойдаланганлиги учун (тош, тарози, палла)	1 кунга	3000	3000	5000	5000	2000	2000
	катта тарози 150 кг гача	1 кунга	3000	2000	10000	10000	7000	8000
	150 кгдан 1500 кг гача	1 кунга	11000	10000	15000	15000	4000	5000
3	маҳсулотларни ёпиш учун брезент берилса	битта брезент	3000	3000	5000	5000	2000	2000
4	Юк ташиш аравачаси (бир кунга)	битта аравача	7000	6000	10000	10000	3000	4000
5	Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонларидан фойдаланганлиги учун (1 м.кв)	1 кунга	2000	2000	2000	2000	0	0
6	Товар тарозисида маҳсулотларни тортиб берилса	ҳар бир тортишга	3000	2000	5000	5000	2000	3000
7	Савдо инвентарлари берилса (паднос, сават, пичоқ, табуретка, варонка ва бошқа) ҳар бири учун	бир кунга	2000	2000	5000	5000	3000	3000
8	Махсус уст бошдан фойдаланганлиги учун (ҳар бир кунга)	1 кунга						
	Халатдан, курткадан	ҳар биттаси учун	2000	2000	5000	5000	3000	3000
	Этакдан, енгичадан	ҳар биттаси учун	1000	1000	3000	3000	2000	2000
9	Бозорлар ва савдо комплексларида маҳсулотларни сақлаш учун							
	совуткичларда (ҳар бир яшик, коп ва х.к. учун)	1 кунга	4000	4000	5000	5000	1000	1000
	омборхоналарда, сақлаш камераларида (ҳар бир яшик, коп ва х.к. учун)	1 кунга	3000	3000	4000	4000	1000	1000
	Бозор ҳудудидаги расталарда ва очик жойларда (савдо ўрни хисобидан)	1 кунга	2000	2000	3000	3000	1000	1000
10	Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50х50х100 ўлчамдаги жой учун)	1 кунга	2000	2000	3000	3000	1000	1000
11	Реклама учун радиоузелдан файдаланиш	3 маротаба такрор	2000	2000	3000	3000	1000	1000
12	Карвонсаройдан фойдаланганлиги учун							
	майда шохли хайвонлар учун	бир бошига	2000	2000	3000	3000	1000	1000
	йирик шохли хайвонлар учун	бир бошига	2000	2000	3000	3000	1000	1000
	автомашиналар учун бир кунга	бир жойга	2000	2000	5000	5000	3000	3000
	юкли автомашиналар тунда юки билан қолгани учун	ҳар бир машинага	3000	3000	10000	10000	7000	7000
	маҳсулот сақлаш учун ўрнатилган сандиклар учун (ҳар бирига)	бир кунига	3000	3000	5000	5000	2000	2000
13	Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш учун:	ҳар бир соатига					0	0
	енгил автомашиналар учун	1 соатга	2000	1000	3000	3000	1000	2000
	юк автомашиналар учун	1 соатга	2000	2000	5000	5000	3000	3000
	велосипедлар сақлаш учун	1 соатга	1000	1000	2000	2000	1000	1000
14	Деҳқон бозори ёки савдо комплекси ҳудудига автомашиналарни кириб чиқишлари учун (автомашинада сотиладиган маҳсулотлардан ташқари)	1 маротаба кириб чиқиши учун			3000	3000		
15	Хожатхона хизматидан фойдаланиш учун	бир кишига	1000	1000	3000	3000	2000	2000
16	Мехмонхонада, карвонсаройда тунаб қолиш учун	бир кишига	8000	7000	15000	15000	7000	8000
17	Умумий фойдаланиладиган бозор балансида бўлмаган бино-иншоатлар ва бошқа объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлаклар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва ер усти канализация лоткалари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий ҳудудни кўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш хизматлари учун бино ваиншоотлар мулкдорлари томонидан мазкур турдаги хизматларни кўрсатувчи ташкилотларга қўшимча тўловлар амалга оширилмайди .	1 кв.м/ойига	11000	7000	20000	15000	9000	8000

Изоҳ:

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли қарорига мувофиқ кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги ва унга туташ бўлган ҳудудлардаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун кадастр ҳужжатларида кўрсатилган ва эгалланган ер майдонларига мувофиқ инфратузилмадан фойдаланганлигига ҳақ тўланади. Бунда маиший ва мева-сабзоват маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш хизматлари учун бино ваиншоотлар мулкдорлари томонидан мазкур турдаги хизматларни кўрсатувчи ташкилотларга қўшимча тўловлар амалга оширилмайди .

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортик ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.

3. Белгилланган ижара тўловлари Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслардан тасдиқланган иш кунига хисобланади ва белгиланган тўлов миқдорлари иш кунлари хисоби буйича ундирилади.

4. Бозорлар ва савдо комплекслари муким қурилган бино, иншоот ва бошка мол-мулкдан фойдаланганлик учун 1-қаватдан белгиланган патта ставкасини 100 фоиз, 2-қаватдан 50 фоиз, 3-қаватдан 30 фоиз ва ертўла қисмидан 70 фоиз тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади .